

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНинг
А Ж Р И М И

2024 йил 27 август куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья К.Мирсафаев, ҳайъат судьялари А.Шамсутдинова ва О.Қличевлардан иборат таркибда, судья ёрдамчиси Ш.Раджабовнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори У.Мухсимов, маҳкума Ххх ва унинг ҳимоячиси - адвокат Ш.Қаландарованинг иштирокида, Хххга оид тўпланган [REDACTED]-сонли суд томонидан тайинланган жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги иш ҳужжатларини маҳкума Ххх томонидан келтирилган тафтиш шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2024 йил 7 июндаги ажримига кўра,

[REDACTED]
туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, [REDACTED] бор, муқаддам судланган: 1) жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 23.10.2020 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 баравари, яъни 16.725.000 сўм жарима жазоси тайинланган, жарима тўланган,

[REDACTED] истиқомат қилувчини жиноят ишлари бўйича Олтинқўл туман судининг 18.03.2022 йилдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги Юнусобод тумани ИИО ФМБ Пробация бўлими бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 18 июлдаги ажримига кўра, туман



судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Маҳкума Ххх тафтиш шикоятда, туман суди тақдимномани асоссиз рад қилганлиги ҳақида важлар келтириб, ҳозирда ўзига тегишли хулоса чиқариб олганини кўрсатиб, ЖКнинг 73-моддасига асосан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўраган.

Тафтиш инстанцияси иш бўйича маърузачи судья К.Мирсафаевнинг маърузасини, прокурор У.Мухсимовнинг суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, маҳкума Ххх ва унинг адвокати Ш.Қаландарованинг шикоят важларини қувватлаб берган фикрини тинглаб, шикоят важларини муҳокама қилиб, иш материаллари билан атрофлича танишиб чиқиб, қуйидагиларга асосан суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 2-қисмига кўра, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши қайд этилган бўлиб, бунинг учун маҳкум томонидан жазонинг қонунда белгиланган қисми ҳақиқатда ўталганлиги, мазкур жазо тури учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларининг бажарилганлиги ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 27.12.2016 йилдаги 28-сонли “Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 11-бандида “Жазони ижро этувчи органнинг жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришга оид тақдимномасини ўз иш юритувига қабул қилиш масаласини ҳал этишда, судья у ЖИК 164-моддаси иккинчи қисми талабларига жавоб бериш-бермаслигини ва тақдим этилган материалларда маҳкумнинг хулқ-атворини, унинг бутун жазони ўташ даврида меҳнатга ва ўқишга нисбатан бўлган муносабатини тавсифловчи маълумотлар, маҳкумнинг жазо ўташи учун асос бўлган ҳужжатлар нусхалари, жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ ёки қисман қопланганлиги тўғрисида батафсил маълумотлар мавжуд-мавжуд эмаслигини текшириши лозим”, деб раҳбарий кўрсатма берилган.

Иш ҳужжатлари ўрганилганда, тақдимномада Ххх 2022 йил 21 апрель куни Юнусобод туман ИИО ФМБ пробацция бўлими томонидан ҳисобга олиниб, 2022 йил 3 май куни “Ххх” МЧЖга дала ишчиси сифатида ишга кириб, 2024 йил июнь ойига қадар (2 йил 1 ой 4 куни ўталган, ўталмай қолган жазо муддати 10 ой 26 кун) ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаб келганлиги кўрсатилган бўлсада, амалда Ххх жазони ўташ давомида 2022 йил апрель ойдан 2023 йил декабрь ойига қадар ҳар ойда бир ҳафта муддатга Ҳиндистон ва Туркия давлатларига бориб келиб юрганлиги ва, ҳатоки, 2023 йил 16 июнь куни Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 227¹⁰-моддаси 2-қисмида (божхона органига



товарлар учун божхона декларациясини тақдим этмаслик) назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилганлиги ва ишни биринчи босқич судида кўриш пайтида мазкур ҳуқуқбузарлик учун жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил ўтмаганлиги сабабли маъмурий жазога тортилган шахс деб ҳисобланиши аниқланди.

Юқоридаги ҳолат, маҳкума Ххх расмий ҳужжат бўйича суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг учдан икки қисмидан кўпроғини ўтаганлиги кўрсатилган бўлсада, аслида Ххх мазкур жазони ўташда ушбу давр мобайнида ўрнатилган тартиб-қоида талабларига амал қилмаганлиги ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлмаганлигидан далолат беради.

Бундай ҳолатда, биринчи инстанция суди маҳкума Ххх жазони ўташ вақтида ўрнатилган тартиб-қоида талабларига тўлиқ амал қилмаганлиги ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлмаганлиги сабабли унга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш юзасидан киритилган тақдимномани рад этиб, кассация инстанцияси суди эса шу асослар билан туман судининг ажримини ўзгаришсиз қолдириб, тўғри хулосага келган.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати маҳкума Хххга нисбатан қабул қилган қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилишга асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482-483, 521⁴⁻⁶-моддаларига риоя қилган ҳолда тафтиш инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2024 йил 7 июндаги [REDACTED] нисбатан чиқарилган ажрими ҳамда Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 18 июлдаги ажрими ўзгаришсиз, келтирилган тафтиш шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси Олий судига тафтиш тартибида шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

К.Мирсафаев

Ҳайъат судьялари:

А.Шамсутдинова

О.Қличев

